

Ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов бу - Коррупция!

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган бир қатор тизимли ислоҳотлар, давлатимиз томонидан бу зарарли унсурни йўқ қилиш ҳамда бунга мурасасиз бўлиш йўлидаги юксак савий-ҳаракатларидандир.

Нафақат давлат балки, қайсики ташкилотда коррупцияга йўл қўйилса ўша ташкилотда ривожланиш ва соғлом рақобат бўлмасдан, ташкилотни инқирозга юз тутишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида кенг жамият манфаатларига, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Чунки коррупция маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётига тўғаноқ бўлади.

Лоқайдлик, бефарқлик, иккиюзламачилик, товламачилик, фирибгарлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик, шахсий манфаатни устун қўйиш каби салбий иллатлар коррупциянинг ривожланишига, чуқур илдиз отишига, жамоатчиликда норозичиликнинг келиб чиқишига замин яратади. Бунинг оқибатида истиқболли ислоҳотлар ва илм-фан ривожига катта тўсиқ пайдо бўлади. Давлатимиз раҳбарининг табири билан айтганда **“Ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов бу – Коррупциядир”**.

Мазкур иллатга қарши курашиш юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида амалга оширилмоқда.

Давлатимиз томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида кенг қўламли ишлар, тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

Баъзи бир ташкилотлардаги айрим шахсларнинг коррупцияга мойиллиги ва фақатгина ўз манфаатини ўйлаши оқибатида, ўша шахс билан ишлаётган ҳалол ва ўз меҳнат фаолиятига содиқлик билан сидқидилдан хизмат қилиб келаётган ходимларнинг ҳам номига доғ тушишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун, коррупцияни йўқ қилишда барчамиз биргаликда курашиб, уни пайдо бўлишига йўл қўймасдан, ҳуқуқий онгимизни ва маданиятимизни ошириб борсак, унга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантирсак ижобий натижага эришишимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганларидек, “Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар – умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараши керак”

Юқорида такидланганидек, коррупцияга қарши курашиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини англашимиз, ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз, унинг олдини олиш ва йўқ қилишда ҳар биримиз ҳиссамизни қўшишимизни ўз олдимизга қўйган вазифа деб билишимиз зарур.

г-м., ф.д.(PhD) О.А.Қаршиев

**“Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда
қидируви институти” ДМ директори**